

Муҳаббат ТҶАРАБОВА

КИМНИКИ БОҒ, КИМНИКИ ЯНТОҚ

ёхуд томорқадан фойдаланиш
ҳар кимнинг ўзига боғлиқ

Ке пусти сонларда ўқинг



Наим КАРИМОВ

Миллий қаҳрамонларимиз

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НЕГА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН?



Ке пусти сонларда ўқинг

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 29 март • пайшанба • № 37 (4010)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

АФҒОНИСТОН БҮЙИЧА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда 27 март кuni «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон буйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга Афғонистон Ислом Республикаси Президентини Муҳаммад Ашраф Ғани, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифокнинг ташки ишлар ва хавфсизлик сиёсати буйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АКШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Турк-

Ер юзининг катта қисмида сўнгги 40 йилда афғон урушига у ёки бу даражада дуч келган авлодлар улғайди. Кимнингдир ўғли, кимнингдир қариндоши ёки кўшниси бу адолатсиз уруш қурбонига айланди. Уруш олови канчадан-қанча бегуноҳ одамнинг ёстигини қуритди, унинг совуқ нафаси бошқа юртларга ҳам етиб борди, минглаб оидаларни пароканда, гўдакларни етим қилди. Шу боис «Афғонга кетибди» деган хабар юртларга қўрқув, хавотир олиб келарди. Оталар ўғлининг афғонга хариди хизматга кетганини кекса ота-онасидан яшнрар, ичидаги дардини билдирмасди. Оналар пана-панада жигарбандига соғлиқ-омонлик сўраб Яратганга ёлворар, йўл қарарди.



манистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташки сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, жами 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев халқаро конференцияда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилган мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш буйича олиб борилган амалий саъй-ҳаракатларнинг мантқий давоми эканини таъкидлади.

Ана шундай муҳитда улғайган болалар «афғонга олиб кетмасмикан», дея йиллар давомида хавотир билан яшади, харбийга бормаслик чорасини кидирди. Орадан ўн йиллар ўтган бўлса-да, афғон муаммоси одамлар хотирасида қолдирган ваҳима ва қўрқув ҳали унутилгани йўқ.

Афсуски, афғон уруши йиллар ўтган сари жанг майдонларидан нарқобизнез, терроризм, экстремизм каби кўзга кўринмас уруш ўчоқларига кўчди. Энди бу заминдаги нотинчлик ва зўравонликлар, ноҳақ кон тўкишлар дунёнинг барча минтақаларига таҳдид солар даражада кенгайди.

2 >

Юксак маънавият – енгилмас куч

Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ҳамда унинг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан секторлар доирасида китоб дўконлари ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят буйича 17 китоб дўкони ташкил этилиб, турли китоблар савдоси йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Қўрғонтепа туманида икки тадбиркорга китоб дўкони қуриш учун ер майдони ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

АНДИЖОНДА 17 ТА ЯНГИ КИТОБ ДЎКОНИ ОЧИЛДИ

Туман ва шаҳарларда ташкил этилган китоб дўконларида турли йўналиш ва мавзулардаги китоблар сотилмоқда. Янги китоб дўконлари фаолияти йўлга қўйилиши билан 17 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан Асака туманида «Бир китоб-хонга бешта янги китоб» шиори остида акция ўтказилди, — дейди Асака тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Солижон Усмонов. — Акция давомида туман ички ишлар бўлими томонидан умумтаълим мактаблари ахборот-ресурс марказлари ҳамда янги ташкил этилган китоб дўконига ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, шунингдек, болажонлар учун эртак китоблар, услубий қўланмалар тақдим этилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўрттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўрттинчи ялпи мажлиси — 2018 йил 29 март кuni эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари — 2018 йил 29 март кuni соат 9:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

«ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛА» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўтган йил июль ойида «Ислон Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танлови эълон қилинган эди. Унга 2017 йилнинг 31 декабрига қадар 2016-2017 йилларда республика ҳамда хориз газета ва журналлари, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар қабул қилинди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Каримов бутун фаолиятини, ҳаётини Ватанимиз озодлиги, тинчлиги, халқимизнинг, айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi, ўз орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариши учун бахшида қилгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида Биринчи Президентимиз ҳайкаллари қад ростлади. У киши узок йиллар фаолият юритган Оқсарой қароргоҳи ёдгорлик мажмуасига айлантирилди.

2 >

Сиз кутган мулоқот

Ҳақ-ҳуқуқлар тенглаштирилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» ги Фармонининг 10-банди билан вақтинча ёки доимий прописнаксиз ёхуд турган жойи буйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган таққик, шунингдек, вақтинча ёки доимий

прописнаксиз ёхуд турган жойи буйича ҳисобда турмадан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинди. Фармонда қайд этилган қонданинг аҳамияти ва унинг ижросини таъминлаш борасида мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида мухбиримиз Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Фурқат Тожиевга мурожаат қилди.

2-3 >



КУН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 март кuni «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон буйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида Еврокомиссия вице-президенти, Европа Иттифокнинг ташки ишлар ва хавфсизлик сиёсати буйича Олий вакили Федерика Могерини, Россия Федерацияси ташки ишлар вазири Сергей Лавров, Туркия Республикаси ташки ишлар вазири Мавлут Чавушўғли, Покистон Ислон Республикаси ташки ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асифни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўсимликлар карантини буйича давлат хизмати фаолиятининг самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда ўсимликлар карантини буйича давлат хизмати фаолиятининг самардорлигини янада ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш, мамлакатда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат назоратининг яхлит тизимини яратиш мақсадида қўллаб-вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳофазаси порталида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси эълон қилинди.

Мазкур концепция Ўзбекистон Республикаси Президентини Хуқуқат қарори қабул қилинди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу том маънода оламшумул ҳужжат ҳисобланади. Агар у қабул қилинса ва амалга оширилса, мамлакатда бизнес муҳити бутунлай яхши томонга ўзгаради.

Ойла институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш буйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисидаги Хуқуқат қарори қабул қилинди.

Унга қўра, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни хал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш ҳамда оиладаги маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди.

Австралиянинг «Skyscanner» ахборот портали экспертлари «Instagram» ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар учун сайёрамизнинг энг гўзал жойлари рейтингини тузиб чиқди. Бу ҳақда «ox.uz» сайтида хабар берилган.

Ер юзидаги 15 та энг ажайиб шаҳар қиритилган рўйхатнинг олтинчи поғонасидан ўзининг тарихий дурдоналари билан дунёга танилган қўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳри ҳам ўрин олди.

Мутахассисларнинг айтишича, улар фотосуратлар олиш учун жуда қулай бўлиб, кишиларга унутилмас таассуротлар ҳал элади.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

«1 Агар Афғонистонда тинчлик ҳукм сурганда, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари бўлмасди, минглаб инсонлар террор қурбонига айланмасди. Бу юртда тинчлик-осойишталик бўлганда, диний экстремистик ҳаракатлар илдириб отмасди, дунёнинг турли минтақаларида нотинчлик оловини ёқаётган ёвуз кучлар, Ислон давлати деб номланган террорчилик ташкилоти пайдо бўлмасди. Гиб-ёҳванд моддалар ва ноқонуний қурол савдоси нафақат қўшни давлатлар, балки бутун дунё хамжамятига таҳдид соймади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жафокаш Афғонистон заминидagi тўқнашувлар, «уруш олови» афғон халқининг ўз танлови эмас, аксинча, четдан тикиштирилган фитна натижасидир. Ана шу нотинчликдан афғон халқи ўн йиллар давомида жабр чекиб келмоқда, миллионлаб одамлар ўз уйини ташлаб олиб юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Бу заминдаги кескинлик Марказий Осиё мамлакатлари жаҳон иктисодиётининг фаол интеграция жараёнларидаги иштирокига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, тинч Афғонистон савдо-иктисодий, транспорт-логистик имкониятлари билан Ўзбекистонга бошқа минтақаларга дегиш орқали қисқа йўл билан чиқиш имконини берар эди.

эканини таъкидлади.

Тошкент конференцияси иштирокчиларининг расмий суратга тушиш маросимидан сўнг анжуман шуъба мажлисларида давом этди. Россия Федерацияси ташки ишлар вазири Сергей Лавров афғон муаммосини хал қилиш ташаббуси минтақа давлатларининг ўзидан чиқаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Тошкент конференцияси ўз вақтида амалга оширилган муҳим жараён экани ва ундан халқаро ҳамжамят ижобий натижалар кутиб қолишини таъкидлади.

Туркия ташки ишлар вазири Мевлут Чавушўғлу Тошкент конференцияси Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим ўрин тутишини, бу бекарорликка сабаб бўлаётган кучларнинг ўзаро ярашувига оид жараённи тезлаштиришга ёрдам беришини кайд этди.

АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннон Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш бўйича ташаббуслари билан минтақа давлатлари тараққиётига, ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса кўшаётгани, шу жиҳатдан дунё хамжамяти мазкур конференцияга муаммони хал қилишда амалий ечим сифатида қараётганини кайд этди.

Хитой Халқ Республикаси ташки ишлар вазири



Халқимизда «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочадил», деган нақл бор. Афғонистонда қариб 40 йилдан буён давом этиб келаётган можаро афғон халқининг ҳаётини ўнлаб йиллар орқага суриб ташлади. Бу ҳудудда пайдо бўлган инқироз, аҳолининг қашшоқлашуви дунё хамжамятидан аллақачон глобаллик касб этган ушбу муаммага биргаданда амалий ечим топишни тақозо қилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда қатор лойиҳалар амалга оширилди, мулоқот гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистон 2017 йилда Афғонистон муаммосини хал этиш бўйича ўтказилган турли форматдаги халқаро ва минтақавий анжуманларда, жумладан, кенгайтирилган таркибдаги Москва учрашуви (апрель), «Қобул жараёни» (июнь), Афғонистон Ислон Республикасига оид минтақавий иктисодий ҳамкорлик конференцияси (Ашхобод, ноябрь), «Осиё юраги — Истанбул жараёни» (Боку, ноябрь-декабрь) ва Халқаро мулоқот гуруҳи йиғилишида (Осло, декабрь) юқори даражада катнашди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон позициясини баён қилди, бу борда аниқ тақдирлар билдирди. Ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ шафелингда ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда Афғонистоннинг минтақавий иктисодий жараёнларга қўшилиши йўлидаги ташаббуслар илгари сурилди.

Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг олий даражадаги учрашувларида мамлакатимизнинг бу бордаги ижобий позицияси ўзаро манфаатли келишувлар орқали янада мустаҳкамланди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум ўз формати ва Афғонистон муаммоси бўйича аниқ ечимлар топишга қаратилгани билан илгари халқаро анжуманлардан фарқ қилади. Шу боис уни ўтказиш ташаббуси дунё хамжамяти томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, сиёсатшунослар ва экспертлар томонидан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликка эришиш, шу орқали нафақат Марказий Осиё, балки унга туташ минтақаларда тинч тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи мазкур конференция афғон халқининг муаммоларини хал қилиш бўйича аниқ тақдирлар илгари сурилиши билан амалий аҳамиятга эга, деган фикрлар билдирилди.

Жумладан, Афғонистон Ислон Республикаси Президентини Мухаммад Ашраф Ғани Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш йўлидаги Ўзбекистон ташаббуси гоят қадри эканини таъкидлади.

Европа Иттифоқининг ташки ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини ўз нутқида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид ташаббусини қўллаб-қувватлашини, бу масала Европа Иттифоқининг доимо ўзгариб турганини кайд этди.

Мазкур форумга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам қатна қизиқиб билдирилди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига видеомурожаат йўлаб, ушбу анжуман Афғонистонда тинчликка эришиш йўлида алоҳида аҳамиятга эга

«1 Тошкент халқаро аэропорти, йирик муассаса ва ташкилотлар, пойтахтимиз ва вилоят марказларидаги марказий кўчаларга Ислон Каримов номи берилди.

«Ислон Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танлови ана шу эзгу сайё-ҳаракатларнинг узвий давомидир. Танлов учун ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, француз, италян, хитой, немис, япон, араб, корей, озарбайжон, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ёзилган жами 900 га яқин материал юборилган. Уларни адолатли баҳолаш учун танлов ҳайъати таркибига тажрибали мутахассислар, олимлар, тарихчилар, ёзувчилар, журналистлар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Юборилган ишлар, аввало, мақола мавзуси янгилиги ва моҳиятининг очиб берилгани, мазмунан тарихий ҳақиқатга зид келмаслиги, илмий манбалар-

дан қанчалик фойдаланилгани, шунингдек, илмий ва бадиий савия даражаси ҳисобга олинган ҳолда баҳоланди.

Биринчи ўрин ва танловнинг бош мукофотини «Бошланғич таълим» журнали бош муҳаррири Ҳалим Саидов «Миллат хазинасини бойитган мутафаккир» мақоласи учун қўлга киритди. Ғолиб ташкилотчилар томонидан махсус диплом ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

Иккинчи ўринни Япония парламенти юқори палатаси депутати, «Япония — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси президенти Кёко Нака-



«ИСЛОМ ҚАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛА» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

яма ва сиёсий шарҳловчи Набухико Шима, «Нақибандия» журнали бош муҳаррири Султонмурод Олимов эғаллади. Уларга диплом ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорида пул мукофоти топширилди.

Учинчи ўринга эркин ижодкор Мусурмон Бойхонов, Қорақалпоқ давлат университети магистранти Замира Айнимбетова ва Санкт-Петербург давлат университети (Россия) талабаси Александр Гоншвили муносиб топилди. Ташкилотчилар томонидан уларга диплом ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти топширилди.

Ғолибларга мукофотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов

ва Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг рафикаси Т. Каримова топширди.

— Мухтарам Биринчи Президентимиз Ислон Каримов шахсини абадийлаштириш мақсадида юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ҳалим Саидов. — Бу инсоннинг ҳаёти, серқирра фаолияти жуда қатта таъқидотларга арзизуликдир. Бу ҳақда ёзиш эса ўта масъулиятли иш. Шундай бўлса-да, мен ҳам баркамол авлод тарбияси, юрт тараққиётига беқоёс ҳисса қўшган шундай буюк инсоннинг хотирасини абадийлаштириш уммининг кичик томи қўлишга ҳаракат қилиб кўрдим. Асосий мақсад бу улуг мутафаккирнинг Ватан тараққиётига қўшган ҳиссасини таъкидлаш,

авлодларни у бошлаган ишларни муносиб давом эттиришга қорлан эди.

Бундан ташқари, танлов ташкилотчилари томонидан 20 та рағбатлангирувчи мукофот ҳам таъсис этилди ва муносиб номзодларнинг ишлари танлаб олинди. Уларга Ислон Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб чоп этилган «Ислон Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси» номли китоб-альбом соғна қилинди.

Талбирда санъат усталари ва Ўзбек Миллий академик драма театрнинг жамоаси томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Инобат АҲАТОВА,
ЎЗА муҳбири

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЯҚУНЛАРИ МУҲОҚАМА ҚИЛИНДИ

Халқаро пресс-клубда Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги юқори даражадаги Тошкент конференцияси яқунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Президентнинг Афғонистон бўйича махсус вакили И.Иргашев, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда прерентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Н.Герман, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов ва бошқалар «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги конференция минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг янги даврини бошлаб берганини алоҳида таъкидлади. Қабул қилинган Тошкент декларацияси Афғонистон ҳукумати ва бошқа сиёсий кучлар ўртасида мурося, терроризм ва наркотикларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш, минтақавий иктисодий ҳамкорликнинг барча муҳим жиҳатларини қамраб олгани кайд этилди.

Марказий Осиё давлатларининг ташки сиёсати, иктисодий фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ташки сиёсат минтақа давлатлари, хусусан, Афғонистон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, Афғонистонда қариб 40 йилдан буён давом этаётган тўқнашувлар қўллаб одамлар қурбон бўлиши, мамлакат иктисодиётининг издан чиқишига олиб келди. Ушбу можарога ташки кучларнинг аралашуви вазиятни янада кескинлаштирди. Тошкент конференцияси афғон муаммосини хал этишни амалий рўхда муҳоқама қилиш, биргаликда умумий ечим ишлаб чиқиш йўлида муҳим кадам бўлди.

Талбирда олинган ҳеч қандай шартлар қўймасдан, тўғридан-тўғри музокара ўтказишнинг аҳамияти, бунда жаҳон ҳамжамятининг яқдил қарашга эга экани хусусида сўз юритилди.

— Афғонистон масаласига бағишлаб қўллаб музокаралар, учрашувлар ўтказилган, бироқ Тошкент анжумани уларнинг ҳеч бирини айнан тақдорламайди, — деди сиёсат фанлари доктори Алишер Файзуллаев. — Афғонистон муаммосини хал этишда иштирок этаётган давлат ва ташкилотларнинг бир-биридан фарқли ёндашувлари, тақдирлари бор. Шунга қарамайдан, Тошкент конференцияси уларни ягона мақсад сари бирлаштириб, бир даврада жамлади. 26-27 март кунлари бўлиб ўтган анжуман афғон халқи учун таҳдидлар эмас, тинчликка эришиш имконияти сифатида намоён бўлди. Ушбу конференция қўшни мамлакат учун Марказий Осиё ва жаҳон эшикларини очиб берадиган кадам бўлганига ишончимиз қомил.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири

«1 Тулик ишонч билан айтишимиз мумкинки, Президентимизнинг ушбу Фармони фуқароларимизга жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, этники, жамоат бирлашмаларига мансублигидан қатъи назар, хоҳишига қўра мамлакатимиз ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга қўчиш ва у ерда таълим олиш, меҳнатта оид муносабатларга кириш ҳуқуқини беради, — деди суҳбатдошимиз. — Бунга қадар Тошкент шаҳрида ишга қираётган хар бир шахс вақтинча ёки доимий пропискиси бўлган тақдирдагина пойтахтдаги ташкилотларга ишга кириши мумкин эди. Эндилда бунга барҳам берилди.

— Фармоннинг ушбу банди ижросини таъминлаш бора-сида биринчи навбатда нима ишлар қилинди?

— Давлат дастурининг 56-бандида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари қафолатларини таъминлаш мақсадида доимий ва вақтинча рўйхатга қўйиш (ҳисобга олиш) тартибини содда-лаштириш белгиланган ва бу Фармоннинг 10-банди ижросини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамятининг тўлақонли аъзосидир. Мамлакатимизда қа-

Ўринбосари Ли Баодун Афғонистоннинг сармоя, савдо, транспорт имкониятларини ошириш учун уни қўшни давлатлар қўллаб-қувватлаши зарурлигини таъкидлади.

Покистон Ислон Республикаси ташки ишлар вазири Хаважо Мухаммад Асиф Афғонистондаги нотинч муҳит бевосята қўшни ва узок давлатлардаги вазиятга салбий таъсир этишини, шу боис барча ушбу мамлакат тинчлиги учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши кутилган натижани беришини кайд этди.

Анжуманда таъкидланганидек, айрим геосиёсий кучларнинг Афғонистонда юзага келган вазиятдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётгани ушбу давлатда вазиятни яхшилаш бора-сидаги интилишларга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг оқибатида террорчи ташкилотлар жангариларининг Афғонистон ичкариёсига тобора кўпроқ кириб бориши ва уни ўз полигонига айлантиришига йўл очилмоқда.

Афғонистон муҳим трансчегаравий ҳудудда жойлашган. Бу мамлакат билан ҳамкорликдан Марказий Осиё давлатлари энг кўп манфаатдор. Анжуманда Марказий Осиё мамлакатларининг ташки сиёсат мақамалари раҳбарлари томонлар бу йўлда барча имкониятларни ишга солишга тайёр эканини кайд этди.

Халқаро конференцияда НАТО бош котибининг операциялар бўйича ёрдамчиси ўринбосари Жон Манга, Буюк Британия бош вазирининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Гарет Бейли, Италиянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Альберто Пиери, Германия ҳукуматининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Маркус Потцел, Қатар Ташки ишлар вазирилик махсус вакили Мутлақ бин Мажид ал-Қаҳтоний, Япония Ташки ишлар вазирилик махсус маслаҳатчиси Хироши Такахаши, Франциянинг мамлакатимиздаги Факултада ва мухтор элчиси Виолет де Вильмор, ШХТ Минтақавий аксилтеррор туризмаси директори Евгений Сисоев, Норвегия Ташки ишлар вазириликнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Рольф Вилли Хансен ва бошқалар сўзга чиқди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-иктисодий инфратузилмаи тиклаш, унинг минтақавий иктисодий жараёнларга қўшилишига хар томонлама қўмақлаштириш тўғрисидаги тақдир ва ташаббуслар илгари сурилди.

Конференция иштирокчилари анжуман якуни бўйича Тошкент декларациясини имзоладилар. Мазкур ҳужжатда минтақада тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳил қўшилиш муносабатларини янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Талбир якунида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон ташки ишлар вазири А.Қомиллов ва Афғонистон ташки ишлар вазири С.Рабобий нуфузли конференцияда эришилган натижалар ҳақида маълумот берди.

Таъкидландики, мазкур халқаро конференция дунё хамжамятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган сайё-ҳаракатларига гоят муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Бундай анжуманлар келгусида ҳам давом этади.

С.Рабобий муҳим тарихий ташаббуси илгари суриб, Афғонистон бўйича Тошкент конференциясини ўтказишга бош бўлган Ўзбекистон Президентига, мамлакатимиз ҳукумати ва халқига алоҳида миннатдорлик билдирди.

бул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар, Конституцияимизнинг муқаддима-сида кайд этилганидек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устулигини тан олган ҳолда жорий этилади. Шунинг хисобга олган ҳолда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари қафолатларини таъминлашга қаратилган вақтинча рўйхатга олиш тартиби бора-сидаги хоржий мамлакатлар тажрибасини ҳам ўргани олиш, меҳнатта оид муносабатларга кириш ҳуқуқини беради, — деди суҳбатдошимиз. — Бунга қадар Тошкент шаҳрида ишга қираётган хар бир шахс вақтинча ёки доимий пропискиси бўлган тақдирдагина пойтахтдаги ташкилотларга ишга кириши мумкин эди. Эндилда бунга барҳам берилди.

бул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар, Конституцияимизнинг муқаддима-сида кайд этилганидек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устулигини тан олган ҳолда жорий этилади.

— Асосан қайси қонун ва меърий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритилмоқда ва улар нималардан иборат?

— Ўзбекистон Республикасининг Маммурий жавобгар-

дентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3149-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори билан

тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискис қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223²-моддасида паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан фуқароларни, шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискисиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олиш бўйича турмасдан яшаб турган

Хикмат
Тинчлик — бу тинчлик учун мукофот.
МАҲАТМА ГАНДИ

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамятининг тўлақонли аъзосидир. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар, Конституцияимизнинг муқаддима-сида кайд этилганидек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устулигини тан олган ҳолда жорий этилади.

Шахсий фикр

Илмга ташналик сўнмасин

ёхуд биз қачон буюк кашфиётлар қиламиз?

Ижтимоий тараққиётнинг илм-фанга боғлиқлиги аксиома. Шунинг учун ҳам эртасини ўйлаган давлат, аввало, унга таянади, баркамол ёшларни тарбиялашга интилади. «Билаги эър бирни йиқар, билими эър мингни», дейди халқимиз. Рақобатга, ким ўзарга қурилган бу дунёда «мингни йиқар» кучинг бўлмаса, ўзгалар оғзига қараб яшашга мажбурсан.



Виктор АЛИМОВ,
фалсафа фанлари доктори


коғозбозликларни, суъий тўсиқларни енгишга, илмий иш билан боғлиқ барча сарф-хажжатларни ўз зиммасига олишга мажбур бўлмоқда. Ўзидан кенгаш аъзоларининг ваки ва меҳнатига ҳақ тўлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Илм-фан ривожини, тарғиботи, кўпроқ олимларга, илмий даражадаги мутахассисларга боғлиқ. Олим бўлишга даражадорларга қаршилик, ўз навбатида, тараққиётга қаршиликдир. Ҳар бир кишининг илмий, техникавий, бадиий ижод билан шуғулланиши ҳақда Конституцияда қаролатилган. Ўз навбатида, Президентнинг қаролими билан, ҳар бир олимнинг илмий фаолияти ҳақда қаролатилган. Ўз навбатида, Президентнинг қаролими билан, ҳар бир олимнинг илмий фаолияти ҳақда қаролатилган.

этишга йўналтириш керак эмасми? Баъзи талқинчиларимиз ҳисобот учунгина беш-олти нуسخада китоб чиқариб, ўзини грантни бажарган қилиб кўрсатади, энг киниги, бундай олимларнинг китоблари ва ҳисоботларини кутубхоналарда кўрмайсиз. Шу ўринда яна бир муаммо: бир пайтлари Республика илмий техника кутубхонаси бўлар ва унинг фаолияти илм-фан учун ниҳоятда муҳим эди. Бирок уни ва бутун оммавий кутубхоналар тизimini Маданият вазирлигидаги «мутахассислар» совет даври қолдириб қўйди «ёй» қилиб юборишган. Салла ўрнига қалла олиш сийёсати ҳўлу қуруқнинг қулини кўкка соуврган. Бугунги жараёнлар эса шундай кутубхоналарга эҳтиёж сезмоқда. Ҳўш, бу нима учун керак?! Шунинг учун зарурки, барча илмий, техникага оид ахборотлар, авторефератлар, бюллетенлар, грант ҳисоботлари мазкур кутубхонага топширилиши, илм аҳли улардан хабардор бўлиши, грантларнинг бажарилишини интеллектуал назорат қилиб бориши лозим.

Бугун илм аҳлини қийнаётган яна бир муаммо бу — китоблар нашри билан боғлиқдир. Бугунгача деярлик барча илмий ишлар фақат муаллифлар ҳисобидан чоп этилмоқда. Айрим ҳолларда Республика Маънавият ва маърифат маркази, ўқув юртлари ҳомийлик қилади. Муаллиф нашриётдан қалам ҳақи олмайди. Бу, юмшоқ қилиб айтганда, олим меҳнатига бепулликдир.

Журнал ва газеталар тарқатилиши ҳам долзарб муаммога айланган. Ҳўш пойтахт бикинидаги Қирғиз шаҳарчасида тураман. У ерда тўртта кноса бор. Бирок, мазкур нуқталарда илм-фанга оид бирорта ҳам нашри кўрмайсиз, ҳаммаси — «сарик магбуот». Нима учун «Тафаккур», «Фан ва турмуш», «Жаҳон адабиёти», «Маънавий ҳаёт», «Бухорий сабоқлари», «Мозийдан садо» журналлари йўқ, деб сўрасам, уларни ҳамма ҳам ўқийвермайди, сотилмай қолган журнал учун эса долзарб муаммога айланган.



ловчи ўқув юртларини Инновация вазирлиги тасарруфига ўтказиш;
- харбий-техникавий таълим ва тадқиқот маркази ташкил этиш;
- техникавий, бактериологик ва кимёвий ҳужумларга қарши тизим;
- кибертеррозизмга қарши турадиган тизим;
- дунёдаги инновация ва техникавий янгиликларни ўргатувчи ва Ўзбекистонга олиб келувчи мактаб яратиш лозим.

Илм-фан йўлида бир муваффақиятга эришиш, игна билан қудуқ қазинидек гап. Бир олим юз йилда камол топади, деган эди раҳматли академик устозим Азизхон Қаномов. Ижтимоий-гуманитар фанларда вундеркиндлар учрамайди. Бу мазкур фанларнинг дарҳол натижа бермаслигини яна бир бор тасдиқлайди. Агар биз илмий-техника соҳасида жаллашгани талаб қилишга ҳақли бўлсак, ижтимоий-гуманитар соҳада, уни тинмай ўзгартиравормай, махсус қўлланма қўлайми?

Ҳеч қандай тарбия ўчоғи, олий таълим маскани, унвонлар кишини илму маърифатли қилолмайди, аммо улар кишини ўзини ўзи ижодкор қилиб шакллантиришга махсус таълимдан кейинги узок, мураккаб жараёнда ФТА (ҳозирги Инновация ривожланиши вазирлиги), ОАК, илмий-техник тараққиётга қизиқувчи корхоналар, ҳомийлар фаол иштирок этиши керак. Мамлакатимиз тараққиёти қалби илм-фан ютуқларини эгаллашга, ақли идрок инновацион изланишларга ташна ёшларга боғлиқлигини унутмасликка мажбуримиз.

ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТАРБИЯ ЎЧОҒИ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИ, УНВОНЛАР КИШИНИ ИЛМУ МАЪРИФАТЛИ ҚИЛОЛМАЙДИ, АММО УЛАР КИШИНИ ЎЗИНИ ЎЗИ ИЖОДКОР ҚИЛИБ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЎРГАТИШИ МУМКИН.

БУГУН ИЛМ АҲЛИНИ ҚИЙНАЁТГАН ЯНА БИР МУАММО БУ — КИТОБЛАР НАШРИ БИЛАН БОҒЛИҚДИР. БУГУНГАЧА ДЕЯРЛИ БАРЧА ИЛМИЙ ИШЛАР ФАҚАТ МУАЛЛИФЛАР ҲИСОБИДАН ЧОП ЭТИЛМОҚДА. АЙРИМ ҲОЛЛАДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲОМИЙЛИК ҚИЛАДИ. МУАЛЛИФ НАШРИЁТДАН ҚАЛАМ ҲАҚИ ОЛМАЙДИ. БУ, ЮМШОҚ ҚИЛИБ АЙТГАНДА, ОЛИМ МЕҲНАТИГА БЕПУЛЛИКДИР.

ларини шакллантириш мумкин. Бу илм-фаннинг маърифатчилик вазифаси тўла мувофиқдир. Мана, илмий даража, илмий унвонидан олижабоб вазифани бажарилади. Ҳўш, нега биз бунга бўлишимиз керак?

Яқинда бир еш тадқиқотчи менга Ўзбекистон Миллий университети раҳбарияти кўмағида нашрдан чиққан монографиясини кўрди. Монография илмий-пухта чиқарилган. Бир неча тоблар муаллифи сифатида меннинг ҳам унга ҳавасим эди. Еш тадқиқотчиларни бундай қўллаб-қувватлашга олий ўқув юртларида ҳам қўллаш керак. Не! Аксарият ўқув юртлари раҳбарияти маъмурий бўғиқлик билан иш юритишга ўтиб олган, «сўзим ёқдимни, бор, кет» дейдиганлар ҳам етарлиқ.

Илм-фан тарғиботини энг таъсирчан қуроли — китоб. Лекин илмий тобларнинг ададига қаранг: 100, 200, камдан-кам эда 300, 500 нуسخада. Улар ичиде хатто 30 ёки 50 адиши ҳам учрайди. Бу билан илм-фан ютуқларини жиятга, оммага етказиб бўладими? Давлат гранти маълумларини мавзуга оид бўлмаган турли сафарларга эм энг аввало, кенг аудиторияга етиб борадиган, кўпчак ўқиб, билимини оширадиган, дунёқарашини шаклландиран китоблар чоп

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни қисқартиришдек ноҳуш тартиб юзага келган. Масалан, кейинги етти-саккиз йил ичиде ижтимоий-гуманитар фанларга ажратилган соғлар бир ярим баробарга қисқартирилди. Фанлар номларининг тинмай ўзгартирилишини айтмайсизми? Масалан, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш амалиёти ва назарияси ўрнига Фуқаролик жамияти предмети киртилди.

Шу ўринда бир қатор тақлифларини билдириб ўтсам:
- илмий-техник ва техник педагогик кадрлар тайёр-

ТАХРИРИЯТДАН: Илм-фан ривожисиз тараққиёт бўлмайди. Тараққиёт йўқ жойда жамият парокандаликка юз тутайди. Ушбу мақолада муаллиф илм-фанга оид қўллаб долзарб муаммоларни қаламга олган. Улар нафақат соҳа фидойилари, ушбу йўналишлар бўйича масъул бўлган ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, балки барча юртдошларимизни ўйга толдириши, мулоҳазага чорлаши табиий. Ва ўз ўрнида эътирозларга ҳам сабаб бўлиши нуқсонлигини истисно этмаймиз. Шундай экан, газета тахририяти олимимиз томонидан кўтарилган масалалар ва унинг қарашларига нисбатан ҳам муносабатни қутиб қолади ва улар учун ҳам очик минбар имкониятини яратайди.

Ҳикмат

Билим — ҳаракатни бошқарувчи асосий фикр. Ҳаракат эса илмнинг амалий манбаи. Билим — ҳаракат ибтидоси, ҳаракат — билим интиҳосидир.

ВАН ЯНМИН

фуқароларни ишга қабул қилиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн иш бараваригача, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрорланса, йигирма баравари миқдориде жазо солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Лойиҳада ушбу моддани чиқариб ташлаш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг

— Фармон ва Дастурнинг тегишли бандлари ижросини таъминлаш сийёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иктисодий аҳамиятга эга. Айниқса, мазкур меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Тошкент ва пойтахт вилояти учун ўта

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига 10 кундан кўп бўлмаган муддатда келган фуқаролар ҳисобга олинмайди. Келган вақтини қайд қилиш белгиси вақтинчида жойини бўйича профилактика инспектори имзоси билан тасдиқланади ва 10 кундан кўп бўлмаган муддатни ҳисоблаш учун қўлланилади.

ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан прописакдан чиқармасдан 10 кундан бир йилгача муддатга (ўқиб учун таълим муассасасига келган шахслар учун — ўқиб

Айниқса, қурилиш транспорт ва умумий овқатланиш соҳасида буни кўпроқ кузатиш мкин. Бу эса, ўз навбатида, ҳуфна иктисодиётнинг тегирмонигуви қўйиш ва

фуқароларимиз манфатларини тоғталанишга олиб келган эди. Иш берувчи ҳеч қай расмий шартномасиз фуқаронини қабул қилади. Бундан ташқай иш кунининг давомилиги, давлат кунлари, байрамлар, таътирлар, маош миқдори, касаллик вақти буйича ҳақ тўлаш каби меҳр муносабатлари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилма. Маош нақд шаклда берилмайди. Давлатга ҳеч қандай солиқлар тўнмайди. Меҳнат муҳофазаси учухам жавобгарлик белгилабмайди. Бир сўз билан айтганда, фуқаро ижти-

80-моддасида ҳам ишга қираётган шахсининг паспорти ҳақиний бўлмаса, худди шунингдек, ишга қираётган шахс вақтинча ёки доимий прописаксиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган бўлса, ишга қабул қилиш рад этилиши мумкин, деб белгилабган. Қиритилган ўзгартиришга кўра, фақатгина ишга қираётган шахсининг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати бўлмаса ишга қабул қилиш рад этилиши мумкинлиги тўғрисидаги норма сақланиб қолмоқда.

мухим. Шу ҳақда ҳам фикр билдирангиз?
— Албатта, Фармон ва Дастурнинг тегишли бандлари ижроси аҳолига қатта қулайликлар яратди. Қонун ва меъёрини-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши тегишли фуқароларимизга мамлакатимизнинг истаган худудиде, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлаштириларида ҳеч бир чеклов бўлмаганини таъминлайди. Бундан ташқари, фуқарони Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича

Мамлакатимизнинг деярли барча худудларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келиб, ҳеч қандай прописаксиз норасмий ишлаб юрганлар қўллаб топилди.

Реклама ва эълонлар
«FERGANA TORG INVEST» МЧЖ
Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!
Савдога «YANGI DEXQONOV ZAMIN» ММТПа қарашли, «Дамас» русумли, 2001 йилда и.ч. д/р: 15 АЕ 355, бошланғич баҳоси — 4 440 000 сўм бўлган таъмирталаб ҳолдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2018 йилнинг 1 май кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабномалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилиниши охириг муддатиги 2018 йил 27 апрель соат 16:00.
Савдо ғолиби деб топилган
Шахсга 10 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган зақалат пулини «FERGANA TORG INVEST» МЧЖнинг «Траст-банк» Фаргона филиалидаги қўйинидаги ҳисобрақамига тўлашлари лозим: Х/П: 2020 8000 3006 0628 0001. МФО: 01123. СТИР: 303876901. Манзил: Фаргона шаҳар, Фаробий кўчаси, 7-уй.
Тел: (+99890) 274-00-79.
Гувоҳнома № 002820.
Янгиликлар тузиш Таъбирларини субъектларини рўйхатдан ўтказиш икеллигисе томониде 2012 йил 15 августда №040103-07 сонли ресерт рақам билан рўйхатга олиниши «Solo Solutions» маъмурияте чекланган жамияти (СТИР: 30235913) тугатилди.
Ўзини ўзи тугатиш сўғрисида таъриран 26.03.2018 йилдаги 1-сонли қарор.
Қўлатилган ва дебиторлар далолири йқли ой муддатда +99871 2965858 телефон рақамини орқали қабул қилинади.
Тошкент шаҳар Мирзо Улughбек тумани, Махсум Галди 1-тўра кўчаси 56-уйда яшовчи Усмонов Сардор Абдураҳманов ўзини номини берилган Мирзо Улughбек тумани Дўрмон йўли 39-уй 5-қоғнада тегишли уй дорақарини йқонатишга сабабни бекор қилинади.

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

Юртдошларимиз ва соҳа ходимларини гўзаллик ва нафосат айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий муборакбод этади. Мамлакатимизга тинчлик, ободлик, халқимизга бахт-саодат, хотиржамлик тилайди. Ҳеч бир хонадонни файз-барака тарк этмасин.



*Наврўз байрамимиз
қутлуғ бўлсин, азизлар!*

«COSCOM» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Халқимиз ва компания мижозларини яшариш, янгиланиш ва эзгулик байрами — Наврўз билан табриклайди. Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида меҳнат қилаётган инсонларнинг хайрли ишлари бароридан келсин. Баҳорий айём хонадонингизга хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака олиб кирсин!



«ФАРҒОНААЗОТ»

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА
ҚЎМИТАСИ

*Соҳа ходимларини
Наврўзи олам
билан қутлайди.
Халқимизга
тинчлик-хотиржамлик,
соғлиқ-омонлик тилайди.
Баҳорий кайфият сизга
доимо ҳамроҳ бўлсин!*



Таблицларингизга биноан, «Ishonch» газетас 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилади.

МУАССИС:



O'zbekiston
kasaba
uyushmalar
Federatsiyasi

2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.



Бош муҳаррир:
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

1165, Тошкент шаҳри,
хоро кўчаси, 24-уй.
E-makattlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг дуба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Ҳава «Ishonch»нинг компьютер
мафрда терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-наша акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Юна манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ахририят ҳисоб рақами:

021 0000 0004 3052 7001,
АТИБотекa банк» Яшнобод филиали,
Банк коди: 0959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-91) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навобий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқланмиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А.Тошев
Навбатчи:
Н.Маҳамов
Мусаҳҳиҳ:
С.Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти: —23:30
Топширилди: — 23:50
1 2 3 4 5 6
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Буюртма Ғ — 309.
36887 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133